



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 22 » июнь

№ ПҚ–5157

2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида

Ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, карантин шароитида олий таълим муассасаларига абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва кириш имтиҳонларини талаб даражасида ташкил этиш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021/2022 ўқув йили қабулидан бошлаб **давлат гранти асосида** кадрларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси **Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари** (кейинги ўринларда – филиаллар) ҳамда **нодавлат олий таълим ташкилотлари** учун ҳам шакллантирилади. Бунда:

филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларида давлат гранти асосида кадрларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси вазирлик, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (кейинги ўринларда – кадрлар буюртмачилари) олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантирилади;

филиаллар ёки нодавлат олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида **энг юқори балл тўплаган** ва ўқишни тамомлагандан сўнг кадрлар буюртмачиси тизимида **5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида ишлаб бериш** истагини билдирган абитуриентлар билан **уч томонлама (кадрлар буюртмачиси–талаба–олий таълим ташкилоти)** шартнома тузилади;

филиаллар ёки нодавлат олий таълим ташкилотига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган абитуриент кадрлар буюртмачиси билан шартнома имзоламаган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи **тўпланган баллар миқдори бўйича ундан кейинги ўринда турган абитуриентга** берилади;

давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг ўқитиш харажатлари кадрлар буюртмачилари томонидан **Давлат бюджети параметрларида** мазкур мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норкулов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов), Молия вазирлиги (Ишметов) ва Адлия вазирлиги (Давлетов) билан биргаликда **икки ой муддатда** филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрларини шакллантириш тартибини тасдиқласин.

2. **2021/2022 ўқув йили учун** давлат буюртмаси параметрлари:

а) **бакалаврлар** тайёрлаш бўйича:

кундузги таълим шаклига – **113 530 нафар** этиб 1-иловага мувофиқ;

сиртқи таълим шаклига – **37 675 нафар** этиб 1а-иловага мувофиқ;

кечки таълим шаклига – **6 550 нафар** этиб 1б-иловага мувофиқ;

б) **магистрлар** тайёрлаш бўйича – **12 900 нафар** этиб 2-иловага мувофиқ;

в) **филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларида давлат гранти асосида** кадрлар тайёрлаш бўйича – **500 нафар** этиб 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йили қабулида:

абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш **22 июндан 22 июлига қадар (22 июль куни ҳам)** бўлган муддатда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилади;

Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан **қўшимча 2 000 та** давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилади;

Самарқанд вилояти Ургут туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда таълим тизимида кадрлар қўнимсизлигини камайтириш мақсадида бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида **педагогика йўналишлари** бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан мазкур туман учун **қўшимча 100 та** давлат гранти асосидаги мақсадли қабул кўрсаткичлари ажратилади;

абитуриентларга тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган **бештагача бакалаврият таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш** ҳуқуқи берилади;

абитуриентларга рўйхатдан ўтиш жараёнида танланган бакалаврият таълим йўналишлари устуворлигига қараб **дастлаб давлат гранти, кейинчалик тўлов-контракт асосида танловда иштирок этиш** бўйича қўшимча имконият берилади.

4. 2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарурат бўлганда, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари таркиби ва ўқув-методик таъминотидан келиб чиқиб, янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини киритиш ҳамда ташкил этиладиган янги олий таълим муассасалари қабул параметрларини белгилаш учун давлат буюртмаси параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул параметрларини белгилаш;

олий таълим муассасаларига бакалавриятнинг масофавий таълим шаклига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини тасдиқлаш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида олий таълим муассасаларининг (ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалаврият таълим йўналишлари бўйича базавий тўлов-контракт қийматидан келиб чиқиб, табақалаштирилган тўлов-контракт минимал миқдорининг ягона кўрсаткичларини белгилаш;

профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини тасдиқлаш.

5. Халқ таълими вазирлиги (Шерматов) Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норкулов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда Самарқанд вилояти Ургут тумани** учун педагогика йўналишлари бўйича ажратилган қабул параметрларини олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш бўйича асосланган таклифларни Давлат комиссиясига киритсин.

6. Белгилансинки:

а) **2021/2022 ўқув йили қабулида:**

давлат олий таълим муассасаларининг **магистратура (клиник ординатура) мутахассисликларига ўқишга қабул қилиш** икки босқичда амалга оширилади. Бунда, **биринчи босқичда** давлат олий таълим муассасаси томонидан танланган мутахассисликка мос фанлар бўйича кириш имтиҳонлари, **иккинчи босқичда** Давлат тест маркази томонидан чет тили бўйича тест синовлари ўтказилади;

магистратура (клиник ординатурага) ўқишга қабул қилишда чет тили бўйича тегишли даражадаги миллий ёки халқаро сертификатга эга абитуриентлар иккинчи босқичда чет тилидан тест синовини топширишдан озод қилинади ва уларга мазкур фан бўйича максимал балл берилади;

магистратура (клиник ординатура) мутахассислигига **мос фанлар бўйича имтиҳонлар натижалари** имтиҳон ўтказилганидан кейин **уч кун муддатда** давлат олий таълим муассасаси томонидан идоралараро электрон ахборот алмашинув тизими орқали Давлат тест марказига тақдим этилади ҳамда мазкур муассасанинг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

абитуриентнинг чет тили бўйича тест синовидан тўплаган баллари тўғрисида маълумот **тест синовлари ўтказилган куннинг эртасига** ҳамда магистратура (клиник ординатура) қабули бўйича танлов натижалари тест синовлари тўлиқ яқунлангандан сўнг **бир ҳафта муддатда** Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

б) **2021/2022 ўқув йили қабулидан бошлаб:**

абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳонлардан сўнг **мажбурий учта – она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари** бўйича Давлат тест маркази томонидан тест синовлари ўтказилади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ олий таълим муассасаларига имтиҳонларсиз давлат гранти асосида ўқишга кириш бўйича имтиёзга эга бўлган шахслар **умумий қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади;**

хорижий фуқароларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш белгиланган тартибда **ўтказиладиган суҳбат натижаларига** кўра олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида амалга оширилади;

магистратура (клиник ординатура) мутахассисликларига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг **тўлов-контракт суммаси** бир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиқиб, **олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланади;**

в) **2022/2023 ўқув йили қабулидан бошлаб** рўйхати мазкур қарорга 5-иловада келтирилган олий таълим ташкилотларига **қабул параметрлари** хорижий мамлакатдаги бош олий таълим ташкилоти, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишган ҳолда мазкур олий таълим ташкилотлари **Васийлик кенгаши қарори билан тасдиқланади.**

7. 2021 йил 15 июлдан бошлаб талабалар ўқишини кўчиришнинг қуйидаги тартиби жорий қилинсин, унга мувофиқ:

а) талабалар ўқишини **хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган** (шу жумладан, халқаро тан олинган рейтингларда биринчи 1 000 та ўриндан бирини эгаллаган) олий таълим ташкилотларидан **Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришда:**

талабадан алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича **касбий (ижодий) имтиҳонлар**, бошқа таълим йўналишлари бўйича **тест синовлари** ўтказилади. Бунда, касбий (ижодий) имтиҳонлар тегишли олий таълим муассасаси томонидан, тест синовлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилади;

тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар бўйича ўтиш баллари **жорий йил 25 июлга қадар, кейинчалик ҳар йили 15 июлга қадар** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;

Ўтиш балидан паст балл тўплаган талабалар бакалавриятга қабул қилишдаги тартибга мувофиқ **табақалаштирилган тўлов-контракт асосида** ўқишга қабул қилинади;

тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари Давлат тест маркази ҳамда олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади;

б) талабалар ўқишини **хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларидан Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига** кўчиришга рухсат этилмайди;

в) талабалар ўқишини **Ўзбекистон Республикасининг бир ҳудудида жойлашган давлат олий таълим муассасасидан бошқа ҳудудидаги давлат олий таълим муассасасига** кўчиришда:

ўқишни мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришга **узрли сабаблар мавжуд бўлганда** рухсат этилади. Бунда, ўқишни кўчириш сўралаётган ҳудудда мос ва турдош таълим йўналиши мавжуд бўлмаганда, ўқишни мазкур ҳудуддаги олий таълим муассасасининг бошқа таълим йўналишига кўчиришга рухсат этилади;

талабанинг республика бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига **доимий яшаш учун кўчиб ўтиши**, турмуш ўртоғи ёки ота-онасининг **меҳнат фаолиятини амалга ошириш жойи** бошқа ҳудудга ўзгартирилиши, **никоҳ тузгандан кейин** турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудудга кўчиб ўтиши **узрли сабаблар этиб тан олинади**;

талабаларнинг ўқишини **узрли сабаблар мавжуд бўлмаган** ҳолатларда, шунингдек, **мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига** кўчириш ўрнатилган тартибда, тегишли бакалаврият таълим йўналиши учун белгиланган **табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал миқдорига** тенг бўлган **бир марталик тўлов** асосида амалга оширилади (мазкур кичик банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно);

г) талабалар ўқишини Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган **филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан**:

Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг **мос ва турдош таълим йўналишларига кўчириш** мазкур банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган тартибда;

Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг **мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчириш** ўрнатилган тартибда, тегишли бакалаврият таълим йўналиши учун белгиланган **табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал миқдорига** тенг бўлган **бир марталик тўлов** асосида амалга оширилади;

д) **спорт мусобақалари ғолиби сифатида** имтиёз билан олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган ҳамда кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишини уларнинг аризаларига мувофиқ, **сиртқи таълим шаклидаги мос ва турдош таълим йўналишига** (сиртқи таълим шакли мавжуд бўлган тақдирда) **давлат гранти асосида** кўчиришга рухсат берилади.

8. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкенбаев) Ташқи ишлар вазирлиги (Арзиев) билан биргаликда **2021 йил 15 июлга қадар** қўшни давлатларда фаолият юритаётган ва ваколатли ташкилот томонидан аккредитациядан ўтган **олий таълим ташкилотлари рўйхатини** расмий веб-сайтида эълон қилсин ҳамда мазкур рўйхатнинг ҳар йили янгилаб борилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6110-сон Фармонида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Гулистон давлат университети, Қарши давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти ва Навоий давлат педагогика институтида **тиббиёт факультетларини ташкил қилиш белгиланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев), Туризм ва спорт вазирлиги (Абдухакимов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг (Тошқулов) Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетиде **тиббиёт факультетини ташкил этиш** ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Тошкент тиббиёт академияси мазкур бандда кўрсатилган таълим муассасаларига тиббиёт факультетлари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларни ўқув-методик жиҳатдан таъминлаш ва малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдиришда кўмаклашсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, **Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида** охириги уч йилда **ғолиб ва совриндор (1–3-ўрин) бўлган спортчи-ўқувчилар** давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклларига қўшимча давлат гранти асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Бунда, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор (1–3-ўрин) бўлган спортчи-ўқувчилар қабул қилинадиган бакалавриат таълим йўналишлари рўйхати Туризм ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг асослантилган таклифларига мувофиқ Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади ҳамда Туризм ва спорт вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

11. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкенбаев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов) ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 ноябрга қадар** давлат олий таълим муассасаларида янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим фаолиятини амалга ошириш учун уларнинг **моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари ва ўқув-методик таъминотига қўйиладиган минимал талабларни** (кейинги ўринларда – минимал талаблар) **ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.**

Белгилансинки, 2022/2023 ўқув йили қабулидан бошлаб, давлат олий таълим муассасаларига, улар **минимал талабларга жавоб берган тақдирда**, янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим фаолиятини амалга оширишга рухсат этилади.

12. Давлат комиссияси **беш кун муддатда** 2021/2022 ўқув йили учун:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмаларига биноан соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ветеринария, тиббий-ижтимоий хизматлар соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида **мақсадли қабул параметрларининг туман (шаҳар)лар кесимидаги тақсимотини;**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида давлат буюртмаси параметрларини **таълим тилларига қараб тақсимотини;**

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси таклифлари асосида филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрларининг **кадрлар буюртмачилари ҳамда таълим йўналишлари кесимидаги тақсимотини тасдиқласин.**

13. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошкуллов) **бир ой муддатда:**

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилида янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

давлат олий таълим муассасалари томонидан янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режалари ҳамда фан дастурларининг ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

14. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари 2021/2022 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган **тўлов-контракт миқдори ҳақидаги маълумотларни 2021 йил 1 июлга қадар оммавий ахборот воситаларида эълон қилсинлар.**

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари пандемия шароитида абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва тест синовларини ўтказиш жараёнларини карантин ва хавфсизлик талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда юқори савияда ташкил этишга шахсан масъул этиб белгилансин.

16. Белгилаб қўйилсинки, 2021/2022 ўқув йилида олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида бакалавриат ва магистратурага ўқишга қабул қилинган шахсларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Молия вазирлиги кадрлар буюртмачилари томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китобларга кўра филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган фуқароларнинг ўқитиш харажатлари босқичма-босқич қоплаб борилишини таъминласин.

17. Давлат тест марказига (Каримов) марказ фаолиятини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **икки ой муддатда** республиканинг барча ҳудудларида Давлат тест марказига тегишли намунавий типдаги павильонларнинг қурилиши учун белгиланган тартибда ер участкалари ажратилиши ҳамда **2022 йил 1 июнга** қадар мазкур павильонлар қуриб битказилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

19. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 6 ва 7-бандлари билан жорий этилаётган тартиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясига, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига ва ҳарбий олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди.

20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов):

а) **икки ҳафта муддатда:**

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб масофавий таълим ташкил этиладиган давлат олий таълим муассасалари рўйхати ҳамда тегишли таълим йўналишлари учун қабул параметрлари бўйича таклифларни Давлат комиссиясига киритсин;

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкенбаев) билан биргаликда магистратура мутахассисликлари ва уларга мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари рўйхатини қайта кўриб чиқсин, янгиланган рўйхатни тасдиқласин ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилсин;

б) **уч ой муддатда:**

2022/2023 ўқув йили қабулидан бошлаб талабаларни магистратура (клиник ординатура)га ўқишга қабул қилишнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни давлат олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартибини;

масофавий таълимни ташкил этиш ва бошқариш тартибини;

олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда докторантурага қабул қилиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгиловчи Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсан жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда Давлат тест маркази директори М.М. Каримов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари
бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул
қилиш параметрлари**

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
	Республика бўйича жами:	113 530	28 885	84 645
	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	84 810	20 271	64 539
1	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	4 675	1300	3375
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	1700	390	1310
5111400	Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)	200	75	125
5112500	Ўзга тилли гурӯҳларда рус тили	150	30	120
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:			
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	800	240	560
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	200	75	125
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили	150	45	105
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: испан тили	100	30	70
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	150	30	120
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: хитой тили	150	60	90
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: корейс тили	150	60	90
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: япон тили	100	30	70
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	600	180	420
5121200	Маданиятлараро коммуникацияларнинг лингвистик таъминоти (тиллар бўйича)	75	25	50
5220200	Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар	75	15	60
5611500	Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (тиллар бўйича)	75	15	60
2	Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети	375	85	290
5150900	Дизайн (медиадизайн)	25	5	20
5210300	Сиёсатшунослик	25	5	20
5220100	Журналистика:			
5220100	Журналистика: босма оммавий ахборот воситалари журналистикаси	75	20	55
5220100	Журналистика: телерадио журналистикаси	50	10	40
5220100	Журналистика: интернет журналистика	25	5	20
5220100	Журналистика: халқаро журналистика	50	10	40
5220100	Журналистика: спорт журналистикаси	25	5	20
5220100	Журналистика: ҳарбий журналистика	25	5	20
5220200	Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар	50	15	35
5230400	Маркетинг (медиамаркетинг ва реклама)	25	5	20
3	Ўзбекистон миллий университети	4160	1011	3149
	Тошкент ш.:	3585	856	2729
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	150	35	115
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	25	5	20
5112500	Ўзга тилли гурӯҳларда рус тили	100	20	80
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:			
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	75	20	55
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	50	10	40
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили	50	10	40
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	75	15	60
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	75	20	55
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	50	10	40
5120300	Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)	100	20	80

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5120400	Археология	25	10	15
5120500	Фалсафа (йўналишлар бўйича)	25	10	15
5121400	Антропология ва этнология	25	10	15
5130100	Математика	150	60	90
5130200	Амалий математика	75	20	55
5130300	Математик инжиниринг (ишлаб чиқариш соҳалари бўйича)	25	5	20
5140100	Биология (турлари бўйича)	125	40	85
5140200	Физика	225	60	165
5140300	Механика ва математик моделлаштириш	50	10	40
5140400	Астрономия	25	5	20
5140500	Кимё (турлари бўйича)	225	55	170
5140600	География	50	10	40
5140700	Гидрометеорология	25	6	19
5140800	Геология (фаолият соҳаси бўйича)	300	80	220
5141100	Гидрология (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5141300	Нефть ва газ кимёси	75	20	55
5141400	Табий ва физиологик фаол бирикмалар кимёси	25	5	20
5141500	Тиббиёт физикаси	50	15	35
5210100	Социология	50	15	35
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	260	75	185
5210300	Сиёсатшунослик	25	5	20
5220100	Журналистика: интернет журналистика	25	5	20
5220200	Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар	75	15	60
5220300	Архившунослик	25	5	20
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5230200	Менежмент (спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш)	25	5	20
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5231600	Инсон ресурсларини бошқариш	50	5	45
5232200	Эконометрика	25	5	20
5232300	Минтақавий иқтисодиёт	25	5	20
5311500	Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича)	75	10	65
5330100	Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари (йўналишлар бўйича)	50	10	40
5330200	Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	75	10	65
5330300	Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)	25	5	20
5410100	Агрокимё ва агротупроқшунослик	75	15	60
5520100	Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)	75	10	65
5610500	Спорт фаолияти: регби	25	5	20
5610500	Спорт фаолияти (кураш)	25	5	20
5610518	Спорт фаолияти: таэквондо (WTF)	25	5	20
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	10	40
	Сейсмология ва сейсмометрия	25	5	20
	Метеорология ва иқлимшунослик	25	5	20
	Патентшунослик	25	5	20
	Маҳсулотларнинг кимёвий таҳлили (озик-овқат маҳсулотлари)	25	5	20
	Жиззах филиали:	575	155	420
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	50	10	40
5130200	Амалий математика	50	15	35
5210200	Психология:			
5210204	Психология: оила психологияси	125	40	85
5210205	Психология: ёшлар психологияси	75	20	55
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5330100	Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари (йўналишлар бўйича)	50	15	35
5330200	Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	100	25	75

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5330300	Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)	25	10	15
4	Тошкент давлат техника университети	5700	1115	4585
	Тошкент ш.:	4075	735	3340
5111000	Профессионал таълим (йўналишлар бўйича)	25	5	20
5150900	Дизайн (турлари бўйича)	50	10	40
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5230200	Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)	50	10	40
5231900	Корпоратив бошқарув	50	5	45
5310100	Энергетика (тармоқлар бўйича)	225	30	195
5310200	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)	200	20	180
5310300	Металлургия	100	10	90
5310500	Автомобилсозлик ва тракторсозлик	100	10	90
5310600	Транспорт воситалари муҳандислиги (турлари бўйича)	175	25	150
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	150	25	125
5310800	Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича)	125	20	105
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	75	10	65
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	125	20	105
5311100	Гидроэнергетика	50	10	40
5311500	Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича)	75	15	60
5311600	Кончилик иши (фаолият турлари бўйича)	100	30	70
5311700	Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича)	200	30	170
5311800	Гидрогеология ва муҳандислик геологияси	125	20	105
5311900	Нефть ва газ иши (фаолият турлари бўйича)	150	30	120
5312100	Энергия тежамкорлиги ва энергоаудит	75	20	55
5312200	Кончилик электр механикаси	50	10	40
5312300	Маркшейдерлик иши	50	10	40
5312400	Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича)	75	25	50
5312500	Энергия машинасозлиги (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5312600	Мехатроника ва робототехника	50	10	40
5312700	Интеллектуал муҳандислик тизимлари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5312900	Лазер-ёруғлик технологиялари ва оптоэлектроника	100	20	80
5313000	Биотибиёт муҳандислиги	50	10	40
5313700	Газ жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш	50	10	40
5314800	Пайвандлаш технологияси ва жиҳозлари	75	20	55
5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича)	100	20	80
5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш	150	25	125
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	300	60	240
5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5321400	Нефть-газкимё саноати технологияси	50	10	40
5321900	Электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси	50	10	40
5322100	Металлар технологиялари (жараён турлари бўйича)	225	50	175
5330200	Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	75	10	65
5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши (нефть-газни қайта ишлаш саноати объектлари)	50	10	40
5350700	Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	10	40
5640100	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	50	10	40
5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (тармоқлар бўйича)	50	10	40

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
	Олмалик филиали:	475	90	385
5310300	Металлургия	100	20	80
5311600	Кончилик иши (фаолият турлари бўйича)	150	30	120
5312200	Кончилик электр механикаси	50	10	40
5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш	50	10	40
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	75	10	65
	Термиз филиали:	900	205	695
5310200	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)	50	10	40
5310600	Транспорт воситалари муҳандислиги (турлари бўйича)	75	10	65
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	25	10	15
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5311600	Кончилик иши (фаолият турлари бўйича)	25	5	20
5311700	Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича)	25	5	20
5311900	Нефть ва газ иши (фаолият турлари бўйича)	25	5	20
5312200	Кончилик электр механикаси	25	5	20
5312300	Маркшейдерлик иши	25	5	20
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	75	10	65
5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	50	15	35
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	75	15	60
5340100	Архитектура (турлари бўйича)	25	5	20
5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)	75	20	55
5340500	Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш	50	10	40
5340600	Йўл муҳандислиги (соҳалар ва фаолият турлари бўйича)	100	30	70
5620100	Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)	25	5	20
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	10	15
5640100	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	25	5	20
	Қўқон филиали:	250	85	165
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5310800	Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича)	50	20	30
5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича)	50	20	30
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5321900	Электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси	50	15	35
5	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	1625	190	1435
	Тошкент ш.:	1275	150	1125
5111000	Профessional таълим (йўналишлар бўйича)	50	10	40
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	150	10	140
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5230200	Менежмент: туризм бизнесини бошқариш	25	5	20
5230400	Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5230400	Маркетинг (реклама иши)	25	5	20
5230600	Молия ва молиявий технологиялар	75	5	70
5230700	Банк иши ва аудити	100	10	90
5230800	Солиқлар ва солиққа тортиш	50	5	45
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	125	10	115

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5231100	Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)	50	5	45
5231200	Сўғурта иши	25	5	20
5231300	Бюджет назорати ва ғазначилиги	25	5	20
5231400	Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	75	5	70
5231600	Инсон ресурсларини бошқариш	75	10	65
5231900	Корпоратив бошқарув	25	5	20
5232200	Эконометрика	25	5	20
5232300	Минтақавий иқтисодиёт	25	5	20
5232400	Иқтисодий хавфсизлик	25	5	20
5232500	Логистика (йўналишлар бўйича)	50	5	45
5233600	Савдо иши (турлари бўйича)	25	5	20
5234100	Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5330200	Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5610200	Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	50	5	45
5610300	Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)	25	5	20
	Самарқанд филиали:	350	40	310
5230101	Иқтисодиёт: озиқ-овқат ва ресурслар иқтисодиёти	50	5	45
5230102	Иқтисодиёт: қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти	50	5	45
5230700	Банк иши ва аудити	50	5	45
5230800	Солиқлар ва солиққа тортиш	25	5	20
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	75	5	70
5231400	Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5233300	Агробизнес ва инвестицион фаолият	25	5	20
5234100	Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
6	Тошкент молия институти	725	85	640
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5230600	Молия ва молиявий технологиялар	150	10	140
5230700	Банк иши ва аудити	75	5	70
5230800	Солиқлар ва солиққа тортиш	50	5	45
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	75	5	70
5231200	Сўғурта иши	50	5	45
5231300	Бюджет назорати ва ғазначилиги	75	10	65
5231500	Баҳолаш иши	25	5	20
5231700	Биржа иши	50	5	45
5231800	Бизнес-таҳлил	25	5	20
5232400	Иқтисодий хавфсизлик	25	5	20
5232700	Инвестицион лойиҳаларга хизмат кўрсатиш ва молиялаштириш	25	5	20
5232800	Электрон тижорат	25	5	20
5234400	Халқаро валюта-кредит муносабатлари	25	5	20
7	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	1015	150	865
5150900	Дизайн (турлари бўйича)	50	10	40
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5230400	Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	100	15	85
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	75	10	65
5320800	Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси	50	10	40

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	350	40	310
5321200	Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (хом ашё ва жараён турлари бўйича)	75	10	65
5321500	Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	50	10	40
5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (тармоқлар бўйича)	40	5	35
8	Тошкент давлат шарқшунослик университети	575	75	500
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш (шарқ тиллари)	250	25	225
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари)	25	5	20
5120300	Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)	75	10	65
5120500	Фалсафа (шарқ фалсафаси ва маданияти)	25	5	20
5120700	Матншунослик ва адабий манбашунослик (тиллар бўйича)	25	5	20
5210300	Сиёсатшунослик	50	5	45
5220100	Журналистика: халқаро журналистика	25	5	20
5231000	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	50	5	45
5610300	Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)	25	5	20
5611500	Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари)	25	5	20
9	Тошкент кимё-технология институти	2275	525	1750
	Тошкент ш.:	1325	290	1035
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	10	15
5310100	Энергетика (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	175	35	140
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	200	50	150
5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	175	35	140
5321300	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	100	20	80
5321400	Нефть-газкимё саноати технологияси	50	10	40
5322200	Газни чуқур қайта ишлаш технологияси	50	10	40
5322400	Ёғлар, эфир мойлари ва парфюмерия-косметика маҳсулотлари технологияси	50	10	40
5322500	Виночилик технологияси, бижғиш маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар технологияси	100	20	80
5322700	Консервалаш технологияси	50	10	40
5322800	Функционал овқатланиш ва болалар маҳсулотлари технологияси	50	10	40
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	10	40
5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (тармоқлар бўйича)	50	10	40
	Янгиер филиали:	450	85	365
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	100	20	80
5320401	Кимёвий технология: ноорганик моддалар кимёвий технологияси	75	10	65
5320402	Кимёвий технология: қурилиш материаллари кимёвий технологияси	75	10	65
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	100	25	75
5322700	Консервалаш технологияси	50	10	40
	Шаҳрисабз филиали:	500	150	350
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	100	20	80

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	50	20	30
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	100	40	60
5322500	Виночилик технологияси, бижғиш маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар технологияси	100	25	75
5322800	Функционал овқатланиш ва болалар маҳсулотлари технологияси	50	15	35
10	Тошкент давлат педагогика университети	2200	490	1710
5110100	Математика ва информатика	150	50	100
5110200	Физика ва астрономия	125	30	95
5110300	Кимё	100	20	80
5110400	Биология	100	20	80
5110500	География ва иқтисодий билим асослари	75	20	55
5110600	Тарих	50	15	35
5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	50	10	40
5110900	Педагогика ва психология	50	15	35
5111000	Профессионал таълим (йўналишлар бўйича)	100	20	80
5111100	Мусиқа таълими	50	10	40
5111200	Ўзбек тили ва адабиёти	50	15	35
5111300	Она тили ва адабиёти:			
5111300	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти	75	20	55
5111300	Она тили ва адабиёти: қозоқ тили ва адабиёти	25	5	20
5111300	Она тили ва адабиёти: корейс тили ва адабиёти	25	5	20
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	125	25	100
5111500	Чақириққача ҳарбий таълим	100	15	85
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	100	10	90
5111700	Бошланғич таълим	100	25	75
5111800	Мактабгача таълим	175	30	145
5111900	Махсус педагогика (фаолият турлари бўйича)	150	30	120
5112000	Жисмоний маданият	50	10	40
	<i>шу жумладан, хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича</i>	<i>15</i>	<i>5</i>	<i>10</i>
5112100	Технологик таълим	50	10	40
5112500	Ўзга тилли гуруҳларда рус тили	75	15	60
5112700	Мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси	75	15	60
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	125	40	85
5611700	Мактаб менежменти	50	10	40
11	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	750	175	575
5111200	Ўзбек тили ва адабиёти	150	50	100
5112400	Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили	100	30	70
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	200	40	160
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	175	30	145
5120700	Матншунослик ва адабий манбашунослик (тиллар бўйича)	25	5	20
5611600	Ноширлик иши	25	5	20
	Амалий филология	25	5	20
	Компьютер лингвистикаси	25	5	20
	Фольклоршунослик ва шевашунослик	25	5	20
12	Анджон машинасозлик институти	925	215	710
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5310200	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)	25	5	20
5310500	Автомобилсозлик ва тракторсозлик	50	5	45
5310600	Транспорт воситалари муҳандислиги (турлари бўйича)	50	10	40
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	50	15	35

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5312100	Энергия тежамкорлиги ва энергоаудит	75	20	55
5312400	Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича)	25	5	20
5312500	Энергия машинасозлиги (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5312600	Мехатроника ва робототехника	25	10	15
5312700	Интеллектуал муҳандислик тизимлари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5313000	Биотиббиёт муҳандислиги	25	5	20
5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш	50	20	30
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5330200	Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5620100	Транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича)	25	10	15
5620400	Йўл ҳаракатини ташкил этиш	25	5	20
5620600	Автомобиль сервиси	75	15	60
5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (тармоқлар бўйича)	50	10	40
13	Андижон давлат университети	1300	325	975
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	125	30	95
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	75	25	50
5120300	Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)	50	10	40
5130100	Математика	125	35	90
5130200	Амалий математика	25	10	15
5140100	Биология (турлари бўйича)	125	25	100
5140200	Физика	100	30	70
5140300	Механика ва математик моделлаштириш	25	5	20
5140500	Кимё (турлари бўйича)	100	20	80
5140600	География	50	15	35
5150600	Вокал санъати (турлари бўйича)	25	5	20
5150700	Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)	25	5	20
5150800	Рангтасвир (турлари бўйича)	25	5	20
5151200	Амалий санъат (турлари бўйича)	25	5	20
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	50	15	35
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	75	20	55
5220300	Архившунослик	25	5	20
5231600	Инсон ресурсларини бошқариш	25	5	20
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	25	10	15
5330500	Компьютер инжиниринги ("Компьютер инжиниринги", "АТ-Сервис", "Ахборот хавфсизлиги", "Мультимедиа технологиялари")	50	10	40
5610200	Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	25	5	20
5610300	Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)	25	5	20
5610500	Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)	50	15	35
5611500	Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (тиллар бўйича)	25	5	20
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
14	Андижон давлат университетининг Педагогика институти	1350	270	1080
5110100	Математика ва информатика	75	10	65
5110200	Физика ва астрономия	75	10	65
5110300	Кимё	25	10	15
5110400	Биология	50	10	40
5110500	География ва иқтисодий билим асослари	25	10	15
5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	50	10	40
5110900	Педагогика ва психология	50	10	40
5111100	Мусиқа таълими	50	10	40
5111200	Ўзбек тили ва адабиёти	100	20	80

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5111300	Она тили ва адабиёти: қирғиз тили ва адабиёти	25	5	20
5111400	Хорижий тил ва адабиёти:			
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	150	20	130
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: немис тили	50	10	40
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: француз тили	50	10	40
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	50	5	45
5111700	Бошланғич таълим	100	30	70
5111800	Мактабгача таълим	150	30	120
5112000	Жисмоний маданият	50	20	30
	<i>шу жумладан, хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича</i>	25	10	15
5112100	Технологик таълим	50	10	40
5112200	Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)	25	10	15
5112300	Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт	25	10	15
5112501	Ўзга тилли гуруҳларда рус тили	125	10	115
15	Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти	425	55	370
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	75	5	70
5230700	Банк иши ва аудити	50	5	45
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	75	5	70
5340100	Архитектура (турлари бўйича)	50	10	40
5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)	75	10	65
5340500	Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш	50	10	40
5340700	Гидротехника қурилиши (турлари бўйича)	50	10	40
16	Бухоро давлат университети	2650	710	1940
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	125	30	95
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	100	30	70
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	50	5	45
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	50	5	45
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили	50	10	40
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	50	20	30
5120300	Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)	100	30	70
5120400	Археология	25	5	20
5130100	Математика	125	40	85
5130200	Амалий математика	50	20	30
5140100	Биология (турлари бўйича)	125	25	100
5140200	Физика	125	25	100
5140300	Механика ва математик моделлаштириш	25	5	20
5140500	Кимё (турлари бўйича)	125	25	100
5140600	География	50	10	40
5150600	Вокал санъати (турлари бўйича)	50	10	40
5150700	Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)	50	10	40
5150800	Рангасвир (турлари бўйича)	50	10	40
5151200	Амалий санъат (халқ амалий безак санъати ва реставрация)	25	10	15
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	50	10	40
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	75	30	45
5210200	Психология (спорт психологияси)	25	10	15
5210200	Психология (оила психологияси)	25	10	15
5220101	Журналистика: босма ахборот воситалари журналистикаси	25	5	20
5220200	Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар	25	5	20
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	15	35
5230400	Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	15	35
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5231400	Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5232500	Логистика (агрологистика)	50	15	35
5233300	Агробизнес ва инвестицион фаолият	50	15	35
5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)	50	20	30

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5330100	Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари (йўналишлар бўйича)	50	10	40
5330200	Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	10	40
5410100	Агрокимё ва агротупроқшунослик	50	15	35
5410300	Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)	50	20	30
5410500	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	75	20	55
